Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 июль, чоршанба № 142 (890).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил

# ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

## Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз, депутатларга ва сизнинг сиймонгизда пойтахтимиз — Тошкентнинг барча фаолларига ва меҳнаткашларига юксак ҳурматэҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Ҳаётимиздаги ўзгаришлар, ютуқларимиз, шу билан бирга, катта-катта муаммоларимиз, ташқи ва ички сиёсатимизнинг одимларидан хабардорсиз, албатта. Мамлакатимиз меҳнаткашлари келажакларини, тақдирларини ўз қўллари билан бунёд этмоқдалар. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан буён ўтган давр нисбатан қисқа бўлса-да, халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда.

Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, ўз ҳаётини қуряпти. Биз жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини диққат билан ўргандик ва ўрганиб бораётирмиз. Улардан халқимиз руҳияти, табиатига мос келадиганларини танлаб олиб, фойдаланяпмиз. Шу билан бирга ўз тарихимизни жиддий ва синчиклаб таҳлил қилмоқдамиз.

Ўрта асрларда ўлкамизда шаклланган бозор муносабатларининг андазаси ўз даврида Европа мамлакатлари тараққиётига улкан таъсир кўрсатгани тарихдан маълум. Шу боисдан ўз ривожланиш йўлимизни аждодларимизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги пешқадам давлатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқлари асосида белгиламоқдамиз. Биз ишлаб чиққан иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлининг беш тамойили ана шу тажрибаларга асосланади. Яна такрорлайман: муҳими, биз турмуш тарзимизни ўзгартирувчи ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз, босқичма-босқич, меҳнаткашлар манфаатини муҳофаза қилган ҳолда, тадрижий — эволюцион равишда амалга ошираётирмиз.

Хўш, танлаб олинган йўлнинг дастлабки босқичида қандай натижаларга эришилди?

Мен бугун тўла ишонч билан айта оламанки, мазкур қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга имкон берди. Тотувлик бор жойда эса баракали ва самарали меҳнатга пухта замин бўлади.

Ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилмоқда. Давлат бошқаруви, иқтисод қонунлари ўзгаряпти. Хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлаётир. Жаҳондаги энг илғор тажрибаларга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётига хос янги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этиляпти. Шуниси қувончлики, қўшни мамлакатлар бизнинг бу тажрибамиздан фойдаланмоқда. Куни кеча Қирғизистонда «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобининг чоп этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Сўмни муомалага киритиш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда серфарзанд оилалар, нафақахўрлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Халқимиз сўм-купоннинг 1 августга қадар янги пул билан баравар муомалада юришини давлатнинг яна бир ғамхўрлиги сифатида мамнуният билан қабул қилди.

Миллий пулга эга бўлиш ҳам бир саодат. Энди ҳамма гап—ана шу саодатнинг қадрига етишда. Тўғри, пулнинг қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин заҳираси билан қай даражада таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар орқали белгиланади. Аммо унинг нуфузини кўтарадиган яна бир муҳим омил борки, бу—биз ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг куч-қудрати, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Зеро, миллий пулимиз миллий ғуруримиз демакдир. Мен бугунги учрашувдан фойдаланиб, эътиборингизни яна бир муҳим масалага жалб қилмоқчиман. Албатта, ҳар қайси одам, фуқаро бозорга, магазинга чиққанда қўлида, чўнтагида бўлган пулнинг харид имконияти кучли, қиймати баланд, бақувват бўлишини истайди. Шу мақсадга эришиш учун республикамизда бугунги кунда миллий валютани муомалага киритиш билан бирга қуйидаги муҳим дастурларни амалга оширишимиз зарур:

1. Ички бозоримизни истеъмол моллари билан тўлдириш.

2. Давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш.

3. Экспорт имкониятларини кескин кучайтириш. Шу йўл билан чет мамлакатлардан, аввало, эркин валюта олиб келиш. Чунки биз четдан маҳсулотни ана шу давлатларнинг пулига харид қиламиз. Яъни четга қанча кўп маҳсулот чиқарсак, шунча ўзимизга керакли мол, асбоб-ускуналар сотиб олишимиз мумкин.

4. Республикада пул эмиссиясига, яъни мол билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўймаслик. Аҳолига берилган пулни товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш орқали, уларнинг эҳтиёж ва талабини қондириш билан давлат хазинасига қайтариш.

Пул муомаласини барқарорлаштириш ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатдаги энг муҳим масала—пулимизни ички конвертация қилиш, содда тил билан айтганда, миллий пулимизни эркин валютага (доллар, марка, иен ва ҳоказо) алмаштиришга эришиш. Бу борада алмашиш курсини Марказий банкда ўтказилаётган биржаларда аниқланаётган даражада ташкил этиш, яъни эркин бозорнинг асосий талабларини қондириш, шу орқали дунё бозори таркибига кириш мақсади қўйиляпти. Айтмоқчиманки, бугунги кунда шу тадбирларни амалга ошириш учун катта ва пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Бундай муҳим вазифаларни бажариш халқимиздан кўп синовларни бошдан кечиришни, ишимизда **ҳалоллик ва фидойилик** бўлишини талаб қилади.

Ўзбекистон собиқ СССР парчаланганидан кейин мустақилликни осонгина қўлга киритди, деганлар қаттиқ янглишади. Озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни биров ҳадя қилолмайди. Озодликка фақат курашиб эришилади. Бино тепасига ўз байроғимизни тикиб, биз — мустақилмиз, дейиш ўта соддаликдир. **Сиёсий мустақиллик пухта ва мустаҳкам иқтисодий заминга эга бўлмаса, у ҳали тўла мустақиллик дегани эмас. Том маънода мустақил бўлиш учун давлатимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашимиз зарур.**

Яна бир ҳақиқатни такрорлаб ўтишга тўғри келади: **мустақиллик, танланган истиқлол йўли, авваламбор, ҳар қайси инсон, фуқаро бутун жамият келажаги учун муносиб ҳаёт, фаровонлик, барқарорлик бахш этган тақдирдагина халқимиз учун маъқул бўлиши муқаррардир.**

Азиз биродарлар!

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, йирик илмий ва маданий марказигина бўлиб қолмасдан, таъбир жоиз бўлса, унинг юраги ҳамдир. Шу сабабли, Тошкентдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, ишларнинг аҳволига қараб бутун республикамиздаги вазият ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакатимиз ҳам тез ўсиб улғаяди, тараққиёт йўлидан дадил олға бораверади.

(Давоми 2-бетда).

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Германия Федератив Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги расмий делегацияси сафида мамлакатимизга келган ишбилармонлар гуруҳи билан учрашув бўлди.

Мулоқот чоғида республика ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва германиялик ишбилармонлар делегацияси раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репник Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этдилар. Мамлакатларимизнинг ҳар томонлама ўзаро тенг ҳамда манфаатли асосда ривожланаётган ҳамкорлиқ алоқалари янада кенгайиши ва келгусида яхши самаралар беришига ишонч билдирилди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

(ЎзА).

## НИМА, ҚЎНҒИЗДАН ҚЎРҚҚАН КАРТОШКА ЕМАЙДИМИ?

(МИНИ-ФЕЛЬЕТОН)

**Нурота туманида бу йил 10,5 гектар ерга картошка экилган. Бу... Навбаҳор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги эккан картошка майдони билан қарийб тенг экан. Ва, табиийки, Нурота бу йил ўзини ўзи ушбу хушхўр неъмат билан таъминлай олмайди.**

Тўғри, бу туман чорвачиликка ихтисослашган, сув танқис. Аммо меваю сабзавот мўл етиштирилади-ку! Бўлмаса не сабабдан бу ердагилар картошкани кўпайтиришни исташмаяпти?

Айримларнинг таъкидлашича, туманда колорадо қўнғизлари ниҳоятда кўп бўлиб, бу суллоҳ ҳашаротлар «картошкачиликнинг ривожига» тўғаноқ солишаркан...

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

## «ГАЗМОЛ-АНД»НИНГ МУРУВВАТИ

Яширишнинг ҳожати йўқ. Дори-дармон, тиббий ускуналарнинг етишмаслиги оёққа тушов бўляпти. Андижондаги «Газмол-Анд» ҳиссадорлик жамияти ҳамда «Ҳасанот» кўп тармоқли ширкати беморларга мурувват қўлини чўзди. Улар дори-дармон таҳчиллигини ҳисобга олиб, Андижон шаҳридаги 1- ва 2-шифохоналар ҳамда 1-болалар клиник касалхонасида даволанаётганларга 10 миллион 108 минг сўм-купонлик камёб дори-дармон ҳадя этдилар.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ғалла—94

## ЙИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Китоб тумани ғаллакорлари бу йил 11,5 минг гектар ерда деҳқончилик қилишди. Шундан 3,2 минг гектари суғориладиган ғаллазорлардир. Об-ҳаво ноқулай келишига қарамай, бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Илк марта 7 минг тонна дон давлатга сотилиб, йиллик режа бажарилди.

Охунбобоев номли ширкат хўжалигида 46 гектар суғориладиган ерда ҳосилдорлик 47 центнерга, Навоий номли жамоа хўжалигида 47 гектар суғориладиган майдонда ҳосилдорлик 43 центнерга етди. Асосан лалми ерларда деҳқончилик қилаётган «Зарафшон» ширкат хўжалигининг ғаллакорлари ҳар гектар ердан 13-14 центнердан ҳосил олишди.

Бу йил туманда деҳқончилик экинлари зарар кўрганлигини ҳисобга олиб, ғалладан бўшаган 3 минг гектар суғориладиган ерга такрорий экин экилмоқда. Шундан 1,5 минг гектар майдонга дон ва силос учун маккажўхори, қолган майдонларга пиёз, сабзи, карам, тамаки экиш мўлжалланмоқда.

Ю. УЗОҚОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## РЕСПУБЛИКА НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мингбулоқ нефть конини ўзлаштиришдаги самарали меҳнатлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвони берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**Бойхонов** Қосим — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонаси қуйиш-таъмирлаш цехининг токари

**Иномов** Холматжон Мамажонович — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонаси минора қуриш гуруҳининг бригада бошлиғи

**Тошпўлатов** Тўлқин — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонаси марказий муҳандислик-технология хизматининг бошлиғи

**Фарраҳов** Ҳайдар Салоҳитдинович — «Ўзнефтгаз» миллий корпорациясига қарашли геология, конларни пармалаш ва улардан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН**

**Абдулҳаев** Абдулҳошим — «Ўзнефтгазишлабчиқар и ш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонасининг бош геологи

**Анпилитов** Александр Игоревич — «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Волгоград шаҳри

**Деҳқонов** Илҳомжон Исломович — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонасининг бош механиги

**Кочкарев** Геннадий Иосифович — «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Камиши пармалаш ишлари бошқармасининг пармаловчиси, Волгоград шаҳри

**Лебедев** Вячеслав Павлович — «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси пармаловчисининг ёрдамчиси, Волгоград шаҳри

**Локтеев** Анатолий Викторович — «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси Камиши пармалаш ишлари бошқармасининг бошлиғи, Волгоград шаҳри

**Мадумаров** Эргашбой Ҳожиматович — Фарғона геофизика экспедициясининг етакчи геофизиги

**Маматқулов** Раимжон Маматқулович — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонасининг бош технологи

**Постный** Борис Семёнович — «Нижневолжскнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси, Волгоград шаҳри

**Раҳимов** Ўринбой — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонаси Чортоқ пармалаш участкасининг бошлиғи

**Собянина** Надежда Алексеевна — «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси Камиши пармалаш ишлари бошқармасининг пармалаш қоришмалари бўйича муҳандиси, Волгоград шаҳри

**Софронов** Виктор Александрович — «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси Камиши пармалаш ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Волгоград шаҳри

**Струц** Валерий Семёнович — «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси технология бўйича ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғининг ўринбосари, Волгоград шаҳри

**Тиллабоев** Раҳим Мирзаабдуллаевич — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонаси гилмоя қоришмалари хўжалигининг бошлиғи

**Умаров** Абдулҳамид Умарович — «Ўзнефтгазишлабчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Мингбулоқнефть» корхонасининг директори

**Шихов** Михаил Васильевич— «Прикаспийбурнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси пармалаш хизматининг электр монтёри, Волгоград шаҳри

**Қаюмов** Миннур Хатмуллич — Наманган вилоят ҳокимлиги ички ишлар боқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Қурбонов** Абдуманнон — «Ўзбекнефть» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти Фарғона бўлинмаси пармалаш бўлимининг етакчи илмий ходими

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 19 июль.

## ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

### ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

**АСКАР ҚУШИҚЛАРИ ФЕСТИВАЛИ**

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган аскар қўшиқлари умумармия фестивали бошланди.**

УНДА Ватанимиз Қуролли Кучларининг барча қисмлари ва ўқув юртларидаги ижодий жамоалар, яккахон ижрочилар, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар муаллифлари иштирок этишаяпти. Фестивалнинг дастлабки босқичи танловдан иборат бўлади. Самарқанд ва Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтган танловлар қизиқарли ва сермазмунлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Аскар қўшиқлари фестивали август ойида Тошкентда, Марказий зобитлар уйида якунланади.

**КУНИГА ТЎРТ ТОННА**



**КОСОНСОЙ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида кичик сут заводи фойдаланишга топширилди. Бир кунда тўрт тонна сутни қайта ишлайдиган бу корхонада саккиз хил маҳсулот тайёрланаяпти. Йил охирига бориб эса завод янада кенгайтирилиб, қуввати икки ҳисса ошади.**

**СУРАТДА: қаймоқ олиш цехининг ишчиси Адҳамжон Ғофуров.**

**ТУРМУШ КЎЗГУСИ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикасининг ғарбий дарвозаси — Қўнғирот шаҳрида деҳқон бозори ишга тушди.**

СЎНГГИ йилларда Манғит, Чимбой, Тўрткўл ва Бўстон шаҳарларида ҳам бозорлар қурилди. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди.

Бозорларни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолига қулайлик яратиш чоралари кўрилаяпти.

**САНАТОРИЙ РЕСПУБЛИКА МИҚЕСИДАГИ МАҚОМГА ЭГА БЎЛДИ**

**ШАҲРИСАБЗ туманидаги «Мироқи» санаторийси қайта таъмирлангандан сўнг республика миқёсидаги оромгоҳ мақомини олди. Ҳозир бу ерда шифокорлар асаб, нафас йўли, юрак хасталикларини даволашда минерал сув, сув ости муолажаларн сингари усулларни қўллашаяпти.**

**СУРАТДА: санаторийнинг ички кўриниши.**

**ҚУҚОН ДОМКРАТИ**

**ҚУҚОН тўқимачилик машинасозлиги заводида айни кунда ўта бозоргир икки турдаги кўтаргич (домкрат) тайёрлана бошланди.**

УЛАРНИНГ бири енгил автомобиллар учун мўлжалланган бўлиб, 500 кг гача юк кўтарса, иккинчиси 1 тоннагача бўлган автомобилларга хизмат қилади. Ҳозир ҳар ойда 400 донадан ортиқ маҳсулот савдо шохобчаларига чиқарилмоқда. Фақат бунгагина эмас, қўқонлик машинасозлар тайёрлаган турли пармалаш асбоблари, боғбонлар арраси, эшик қулфларига ҳам талаб катта.

# ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК— ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу шаҳри азимда Ўзбекистон қудрати, салоҳиятининг энг сара, танланган кучлари — етук ва бой тажрибага эга ташкилотчи раҳбарлар, илму фан ва маданиятимизнинг таниқли намояндалари, ҳар ишга қодир мутахассислар жамланган. **Тошкентликлар ҳақиқий фидойи ватанпарвар эканликларини доимо амалда исбот қилиб келганлар ва келмоқдалар. Кўпгина ибратли ишлар, ташаббуслар, янгиликлар одатда пойтахтдан бошланади.**

Шаҳарликларнинг заҳматкаш қўллари билан зилзила вайроналари ўрнида қайтадан қад ростлаган Тошкент афсоналардагидек ёшариб ва яшнаб, бутун кўрки, чиройи, муҳташамлиги билан чинакамига **Шарқ юлдузи ва Шарқ дарвозаси** бўлиб ном қозонди.

Сизларнинг заковатингиз туфайли саноатда ва бошқа муҳим соҳаларда илму фан тараққиётини белгилаб берувчи энг замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. **Низо ва адоватларга чек қўйиш, халқларни яраштириш ва дўстлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш каби савобли ишларга бош-қош бўлганн туфайли «Тошкент руҳи» деган тушунча пайдо бўлди ва жаҳонга таралди.** Бугун ҳам бу руҳ тирик, у тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Тошкентнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамиша катта аҳамият бериб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биргина мисол: фақат 1994 йил бошидан бери аҳолини меъёр бўйича бериладиган маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, гўшт, ун, шакар, болалар озиқ-овқатлари, бошқа кундалик эҳтиёж моллари харид қилиш учун 1 миллиард 300 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шаҳар жамоат транспорти эҳтиёжини қондириш мақсадида янги автобус, трамвай ва троллейбуслар, эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун имконият даражасида валюта берилмоқда. Аҳоли учун уй-жой қуриш, шаҳар коммунал хўжалиги сарф-харажатларининг асосий қисми ҳам давлат хазинаси ҳисобидан қопланяпти.

Тошкент шаҳрига бундай катта имтиёз ва ҳуқуқлар берилган экан, пойтахтдаги ишларнинг аҳволи масаласида талабчанлик ҳам юксак бўлиши табиийдир. Биз шаҳар аҳли ва фаолларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ҳалол меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари, изланишларини эътироф этган ҳолда, ҳамма соҳаларда ҳам иш бугунги мураккаб ва **масъулиятли давр талаблари даражасида эмаслигини тан олмасдан иложимиз йўқ.**

Камчилик ва нуқсонларга ўзимиз холис баҳо бермасак, уларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўрмасак, кейинчалик «касалнинг иситмаси» ошкор этиб қўяди.

Тошкент саноати — мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан бири, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди. Агар унинг фаолиятида камчилик юз берса, бу ҳолнинг оқибатлари бутун халқ хўжалигида сезилади, бошқа соҳаларни орқага тортади, муаммоларни кескинлаштиради. Шундай экан, пойтахт саноатининг барқарор ишлаши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил кўпайтириб бориш — энг долзарб вазифадир.

Тўғри, шаҳар саноатида бирмунча ижобий силжишлар бор. Бир қанча корхоналарда янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Олмония, Чехия, Болгария ва Туркия ишбилармонлари билан қўшма корхоналар барпо этилиб, уларнинг кўпчилиги ҳозир маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

**Лекин, бу — шаҳар саноатчиларининг ҳамма ишлари ҳам жойида экан, дегани эмас.**

Ачинарли жойи шундаки, шаҳардаги деярли барча корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча пасайди. Машинасозлик саноати комплекси корхоналарида энг асосий маҳсулотлар — **экскаватор ишлаб чиқариш 84,3 фоизга, автомобиль прицеплари ва ярим прицеплари 64,3 фоизга, компрессорлар 57,2 фоизга, пахта териш машиналари 58,3 фоизга, тракторлар эса 85,9 фоизга** тушиб қолди.

Албатта, биз тўғри тушунамиз, буларнинг асосий сабаби кўп ҳолларда — Ҳамдўстлик мамлакатларидан хомашё келтириш қийин бўлаётгани, хўжалик алоқаларининг узилиши деб айтиш мумкин. **Бу бор гап ва жуда жиддий муаммо бўлиб турибди.** Лекин бугунги кунда нуқул ана шу сабабларни рўкач қилаётган корхона раҳбарларини мен «баҳона изловчилар» деб атаган бўлардим. Ахир, ўзингиз ўйланг, Ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалар узилганига уч-тўрт йилдан ошди. Нима, энди қўл қовуштириб ўтиравериш керакми? Кўриб турибсиз, Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари билан бўлган олий даражадаги учрашувларда биз ҳар гал иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласини қўймоқдамиз, қўлимиздан келганича чорасини кўряпмиз. Афсуски, айрим давлат ва ташкилот раҳбарлари бу борада қуруқ ваъдалардан нарига ўтолмаяпти. Уларнинг тушунчаси, дунёқараши, иш услублари эски замонда қотиб қолган, деб айтсак адашмаймиз. Чунки уларнинг асосий иш услуби — боқимандалик. Гўё уларнинг ишини давлат бажариши, муаммоларини кимдир ҳал қилиб бериши керак. Бундай эскича фикрлайдиган раҳбарлар билмайдики, ҳақиқий тадбиркорлар аллақачон янгича услубда ишлашга ўтган. Боз устига, узоқни кўрадиган раҳбарлар ўз корхоналарига чет эл сармояси ва илғор технологиясини олиб келяпти ва иқтисодий самарага эришяпти.

Маъмурий-буйруқбозликни ақида этиб олган уқувсиз кишилар эса ҳали-ҳануз «олма пиш — оғзимга туш» деганларича, хомашё ва заҳирий қисмларни давлат олиб келиб беришини кутиб ўтирибди. Масалан, Тошкент трактор заводини олинг. Бундай раҳбарлар фақат ўзига зиён келтирса майли эди, лекин уларнинг бундай фаолияти оқибатида корхона банкротга йўлиқиб, жамоа аъзолари ишсиз қолиши мумкин.

Мен ана шундай ҳолатларни таҳлил қилиб, бир хулосага келаман: корхонаси, меҳнат жамоаси тақдирини ўйламайдиган каттакатта корхоналарнинг раҳбарлари республика ташқарисидан ҳар эҳтимолга қарши ўзига бошпана, бошқача айтганда, «эҳтиёт жой»ларни ҳозирлаб қўйганга ўхшайди. Иш талаб қилсанг, «кетишим мумкин» қабилидаги гапларни айтади. Қўлида ишлайдиган меҳнаткашларнинг тирикчилиги, уларнинг тақдири ҳақида эса ўйлаш йўқ.

Ўзбекистонни ўз ватаним деб ҳисобламайдиган, унинг қийинчиликларини шахсий қийинчилигим деб ҳис этмайдиган раҳбарлардан не наф? Лекин бу муаммо билан шаҳарда бирор киши шуғулланадими? Бу масалани кўндаланг қўядиган одам борми?

Бозор иқтисодиётининг қонун ва талаблари бир жиҳатдан қатъий ва аёвсиз бўлса-да, улар ҳаммани ўз қўлидан келадиган иш билан шуғулланишга, топширилган вазифа, одамлар тақдири учун масъулиятни теран ҳис этишга ўргатади. Боқимандалик кайфиятида бўлганлар бозор йўлидан четга чиқиб қолаверади.

Тошкент шаҳрида ҳозир 70 дан зиёд зарар кўриб ишлаётган корхона борлигини шаҳар ҳокимлиги биларми-кан? Ҳўш, агар билса, унда қандай чоралар кўриляпти? Бу борада қандай амалий таклифлар бор? Бу саволнинг жавоби ҳаммага маълум: муҳим ишда сезиларли ўзгаришлар бўлаётгани йўқ.

Қолбуки, уларнинг тақдирини ҳал этиш керак. Қачонгача бу корхоналар давлат елкасида юк бўлади? Яқинда «Банкрот тўғрисида» қонун қабул қилдик. Ўйлайманки, агар давлат шу корхоналарни тарқатиб юбориб, ишчиларга нафақа тўласа ҳам ҳозиргидан камроқ зарар кўрар эди.

Уларни хусусийлаштириш, керак бўлса, тадбиркорларга шахсий мулк қилиб бериш керак, деб ўйлайман. Ишонаманки, бу корхоналарни ўз эгасига топширсак, иқтисодий аҳволи яхшиланади, гуллабяшнаб кетади.

Минг афсуски, бугунги ўтиш давридан фойдаланиб, баъзи бир нафс балоси гирдобига тушган раҳбарлар ўз манфаатини кўзлаб, нопок йўлларга, ҳатто жиноят йўлига ўтиб кетаётган ҳолларни учратиш мумкин.

Кейинги вақтда айрим ташкилот раҳбарларининг порахўрлик, молиявий хатолар ва талон-торожлик йўлига кириб қолгани фош бўляпти.

«Ўзбеккабель» бирлашмасининг раҳбарлари қандай қўпол хатоларга йўл қўйгани сизларга матбуотдан маълум. Бу бирлашмага ўтган йили 12 минг тонна қимматбаҳо маҳсулот — мана шу Ўзбекистон заминидан чиққан мис мақсадли йўналиш, шу жумладан, мамлакат эҳтиёжи — давлат буюртмасини бажариш учун ажратилган эди. Натижада эса унинг маълум қисми талон-торож қилинган. Бу ерда сўм-купон, рубль ва доллар ҳисобидаги миллионлаб пул маблағлари соврилиб кетди. Бунда бевосита айбдор бўлган, нафси ҳакалак отган кимсалар бугун қонун олдида жавоб бермоқда. Афсуски, Тошкентдаги бошқа завод ва ташкилотларда ҳам шунга ўхшаш воқеалар рўй берган.

Ишлаб чиқариш корхоналарини хусусийлаштириш ва акциядорлик жамиятларига айлантириш билангина бугунги иқтисодий инқироздан чиқиш қийин. Энг аввало, ишлаб чиқаришга тадбиркор, ақлли, ташаббускор, иш ва жамоа манфаатлари ҳақида жон куйдирадиган инсонлар етакчилик қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Лекин, минг афсуски, ишлаб чиқариш соҳасидаги айрим раҳбарларнинг суяги эски замонда қотган, ишга муносабати ўзгармаяпти. «Бугунги вазиятдан фойдаланиб қолиш керак, эртага ким билади, нима бўлади», деб юрганлар ҳам кам эмас.

Хўш бундай кимсалардан ва, умуман, бундай аҳволдан қандай қутулиш мумкин? Менинг фикримча, қутулиш чораси битта — ишчан, ақлли, иродали, иймони бут, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга интилувчи, юрагида Ватан туйғуси кучли бўлган ёш кадрларга ишониш ва ишни уларга топшириш керак.

Биз бугун фақат Тошкент шаҳри ҳақида фикр юритяпмиз. Лекин бу хил нохуш вазият мамлакатнинг бошқа шаҳар ва вилоятларида ҳам мавжуд. Нуқсонларнинг асосий сабаби — ўша жойларда ўтирган мансабдорларнинг ўз вазифасини бажармаслигида, деб тушунаман. Яна ўша оддий ҳақиқатни эслашга тўғри келади: ҳар қайси корхона, ташкилот, даҳа, туман, керак бўлса, шаҳар ва вилоятнинг эгаси бўлиши керак, жонкуяри бўлиши керак.

Минг афсуслар билан айтишимиз керакки, олийжаноб ва улуғвор ниятлар, одамларнинг ғам-ташвишлари, муаммо ва юмушлари четда қолиб, вазифада ўтирган айрим мансабдорлар ўйинчига айланиб, бир-бирининг жойини олиш, амал талашиш билан овора бўлаётган ҳолатларни кўриш мумкин. Шу каби иркит ҳаракату интилишда юрган кимсалар бу беш кунлик дунёни, охиратни мутлақо ўйламайдилар. Уларга инсоф, меҳру оқибат тушунчалари мутлақо бегона.

Транспорт ва алоқа хизмати ёмонлиги пойтахт аҳолисининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Бу соҳа мутасаддилари хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш ҳақида бош қотирмаяпти. Ҳамма билади: бугунги кунда юриб турган автобус, трамвай ва троллейбуслар сони анча камайиб қолган ва уларнинг аҳволи ачинарли. Лекин ижара усулида ишлаётган кўплаб автобус ҳайдовчилари назорат йўқлиги туфайли маршрутдан чиқиб кетиб, ўз чўнтакларини ўйлаб, истаган томонларига сафар қилишга одатланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин?

Биз шаҳар ва туман ҳокимлиги раҳбарларига соат 18 дан кейин, оддий фуқаролар сингари, шаҳар транспортида юришни маслаҳат берган бўлур эдик. Чунки улар хизмат машиналарининг пардали деразалари ортидаги ҳаётдан анча узилиб қолган кўринадилар.

Бугунги кунда шу соҳадаги кадрларнинг қўнимсизлиги туфайли корхоналарда 580 нафар автобус ҳайдовчиси, 160 нафар трамвай ҳайдовчиси, 200 нафарга яқин троллейбус ҳайдовчиси етишмайди.

Ана шундай сабаблар оқибатида шаҳар аҳолисининг бекатларда узоқ вақт қолиб кетиши, манзилига вақтида етиб боролмаслик ҳоллари рўй бермоқда.

Метро ишчиларининг фаолияти ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ёрдам бериш, ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари мутлақо раҳбарлар эътиборидан четда қолган.

Биз шаҳар транспортининг бир маромда ишлаши учун ҳамма чорани кўряпмиз. Яқинда Чехиядан 50 та трамвай вагони, 100 та троллейбус, Туркиядан 500 та замонавий автобус келтирилиши кўзда тутилмоқда. Уларни пахтамиз эвазига сотиб оляпмиз.

Лекин шу соҳанинг мутасадди раҳбарлари ҳам жон куйдириши керакми-йўқми? Қачонгача шаҳар транспортидаги тартибсизликлар давом этади, хизмат савияси ниҳоятда ачинарли аҳволда қолади? Яна бир табиий савол: кўп жойларда корхона раҳбарлари енгил замонавий мошин — «иномарка» сотиб олиш билан банд. Шуларнинг ўрнига меҳнаткашларни, аҳолини олиб юрадиган автобуслар сотиб олишни уларга ким ман этган?

Эски шаҳар ҳудудида яшаётган аҳолининг нима айби бор— бунисини билмадим-у, лекин ободончилик масаласида, умуман, инсонга муносиб шароит яратиб беришда уларга ўгай кўз билан қаралаётгани аниқ. Эски шаҳар аҳли жуда қаноатли ва олижаноб халқ, газ ва канализация ўтказилганидан боши осмонга етиб юрибди. Лекин, азиз биродарлар, бизнинг улардан ҳали қарзимиз кўп. Модомики, транспорт масаласи хусусида гапирар эканмиз, келинг, бу ишнинг эски шаҳар қисмидаги аҳволи билан ҳам қизиқайлик.

Қарийб 700 минг киши истиқомат қилаётган эски шаҳар кўчаларини яна бир карра кўз ўнгимиздан ўтказайлик: ахир, бу кўчаларда автобус ёки троллейбус юрса — одам юролмайди, одам юрса—автобус ёки троллейбус юролмайди. Жазирама ёз иссиғида ёки қаҳратон қиш совуғида одам боласи жон сақлаб турадиган бирорта тузукроқ бекат ҳам йўқ. Менимча, шаҳар ҳокимлиги бу масалани жиддий ўрганиб, зудлик билан чора кўриши лозим.

Энди қурилиш масаласини олиб кўрайлик. Шаҳарда якка тартибда уй қуриш ниятида қарийб 12 минг талабнома берилган. Шундан атиги 4800 тагина талабнома қондирилган, холос, қолган 7200 талабнома шу кунга қадар эътибордан четда турибди.

Якка тартибдаги уй-жой қурувчилар учун кредит маблағлар ажратиш жуда муҳим масаладир. Шуниси ачинарлики, кредит сўраб берилган 14 минг талабномадан шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида бор-йўғи 60 таси қондирилган, холос. Ана шу талабномаси қондирилганларга ҳам қарийб 3 миллион сўм ўрнига 1,5 миллион сўмгина ажратилганини қандай тушунмоқ керак?

Бизда ота-боболардан мерос ажойиб фазилат бор: маҳаллий миллат топганини, аввало, уй қуришга сарфлайди. Эртага ўғлимни уйлантирсам, қайга жойлайман деб ташвиш чекади.

Оғирлигини давлат зиммасига юкламай. ўзим уй қуриб оламан деган ана шундай одамларга нега имтиёзли кредитлар бермаймиз? Нега уларни оворaю сарсон қиламиз? Қаранг, 14 минг мурожаат бўлибдию, шундан 60 таси қондирилибди. Бу ўтакетган расмиятчилик, лоқайдлик эмасми?

Одамларга ғамхўрлик қилиш, 20—30 йилга, керак бўлса, 40 йилга кредит бериш лозим. Ўзи тўламаса, фарзандлари тўлайди.

Хуллас, шаҳарликларга кўпроқ имкон бериш, уларга уй-жой қуриш борасида ёрдам қилиш шаҳардаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи керак! **Ҳақли савол туғилади: шаҳарда бу масалалар билан шуғулланувчи раҳбарлар борми ўзи ёки йўқми? Бор бўлса, улар ҳозиргача нима иш билан шуғулланган?**

Тошкент шаҳар телефон алоқаси хизматида кейинги уч йил мобайнида ишнинг сифати ёмонлашаётгани аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётир.

1994 йил июнь ойида Тошкент шаҳар алоқа тармоқларида ишламайдиган телефонлар 25 фоизни ташкил этди. Станцияларарo тармоқнинг 1820 йўналишидан 132 тасида умуман алоқа йўқ. Тармоқда материал-техник ҳолатнинг оғирлигини баҳона қилиб, ўз камчиликларига танқидий қарамаслик, ташаббуснинг йўқлиги ва лоқайдлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Ҳатто бирор жойга қўнғироқ қилмоқчи бўлсанг, мақсадингга етишинг амримаҳол. Кабелларнинг сув ичида қолиши, аппаратларни вақтида профилактик таъмир қилиш раҳбарларнинг эътиборидан мутлақо четда қолган. Республика раҳбарияти талаб қилгандан кейин алоқа хизматидаги йўл қўйилган катта хатолар учун Тошкент шаҳар телефон алоқалари бирлашмаси бошлиғи П. Умаров, унинг ўринбосарлари, бир қанча телефон тармоқларининг бошлиқлари ишдан олинди. Савол туғилади: шаҳар ҳокимлигида **шу соҳа билан шуғулланувчи раҳбарлар нимага бунчалик масъулиятсизликка йўл қўйди? Ҳокимлик уларга ўз вақтида нега талаб қўймади? Нега уларнинг масъулияти вақтида эслатилмади?**

Бир ҳолат кишини ажаблантиради: айрим раҳбарлар кимни ишдан олса, Президент номи билан олади. Ишга эса ўз номидан қўяди. Бозордаги битта паттачини ишдан бўшата олмайдиган ҳоким ҳокимми? Бунақа ҳоким нега керак? Фақат савлат тўкиб юриш учунми?

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида 60 та стационар ва 156 та амбулатория-поликлиника мавжуд бўлиб, уларнинг 3 фоизи ҳанузгача марказий иситиш тармоғига уланмаган. Шаҳарда қарийб 52 фоиз тиббий «тез ёрдам» шифокорлари, участка терапевти, педиатор етишмайди. Натижада «тез ёрдам»ни соатлаб кутилади. Бунинг устига, уларнинг машинаси ишламайди, телефони ишламайди, турли-туман баҳоналари эса беҳисоб.

Профилактика ишларининг ёмонлиги туфайли, айниқса, ўткир ичак касаллиги билан оғриганларнинг 70 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Шу кунгача шаҳарда маиший корхоналарнинг чиқинди ва ахлатларни ўз вақтида олиб кетиш масаласи ҳал қилинмаган. Ҳар куни шаҳар ҳудудида минг тоннадан ортиқ чиқинди тўпланиб қолаётганини шаҳар раҳбарлари кўрмайдими?

Тошкент даволаш муассасалари, дорихоналари ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида кўпдан-кўп шикоятлар тушмоқда. Шаҳар аҳолиси дорихоналарда ҳеч топа олмаётган дори-дармонларнинг бозордаги чайқовчилар қўлида ақлбовар қилмайдиган нархларда исталганча топилиши тоқат қилиб бўлмас ҳолдир.

Биз дори-дармон сотиш масаласида куни кеча махсус Фармон қабул қилдик. Ана шу Фармонни қатъият билан амалга ошириш зарур. Кимки кўча-кўйда ёки бозорда дори-дармон сотаётган бўлса, қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

Ўзингиз ўйланг, қатта миқдордаги пулга дори сотиб олсангизу, кафолати бўлмаса, у даво бўлиш ўрнига соғлиққа зиён етказса, ҳатто одамнинг ўлимига сабаб бўлса! Бу нима деган гап, ахир?

Шу йил июль ойида бозорларда 135 шахс 150 турдаги 837 қути дори-дармонни ғайриқонуний сотаётгани аниқланди. Биргина Ринат Бахтиев деган кимсанинг уйидан 2 миллиард сўм-купонлик дори мусодара қилинди. **Ваҳоланки, 1994 йилнинг биринчи ярмида шаҳар дорихоналари эҳтиёжнинг 10 фоизи миқдорида дори-дармон билан таъминланди, холос.**

Бу ҳолат шуни кўрсатадики, шаҳарда соғлиқни сақлаш масаласи билан мутлақо шуғулланмай қўйилган. Акс ҳолда бозорда сотилаётган дори-дармон қаердан олинаётганини, олибсотарларни кимлар дори билан таъминлаётганини аниқлаш қийин эмас эди. Лекин бундай ишларни охиригача етказиш учун одам масъулиятли бўлиши керак.

Муҳтарам биродарлар, айтинглар, умуман, **хизмат соҳаларини назорат қилиб туриш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, хизмат савиясини оширишни талаб қилиш кимнинг иши ўзи?** Бизда мансабдор, амалдорлар, шунга мутасадди шахслар етарли эмасми?

Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда «Ҳой, барака топқурлар, саратон келди, кунлар иссиқ, одамларга сув беринглар!» деган эдик, мана, барча жойда минерал сув ва бошқа чанқовбосди ичимликлар пайдо бўлиб қолди.

Ақлли одамга биргина ишора кифоя, деган ҳикмат бор. Наҳотки, мутасадди кишилар шуни ҳам тушуниб етмаса? Энди шаҳар транспорти ва бошқа хизмат соҳалари билан ҳам Президентнинг ўзи шуғулланиши керакми?

Ҳар ким ўз нонини ҳалол топса, ўз вазифасини тўғри бажарса, олам ғулистон бўлмайдими, ахир?

Мен, одатда, масъулиятли лавозимга тайинланаётган одамдан: шу иш қўлингиздан келадими, билмингиз, тажрибангиз етадими? деб сўрайман. Кўпчиликнинг жавоби шундай бўлади: мен солдатман, қаёққа юборсангиз бораверaман, содиқман ва ҳоказо. Бу ерда битта «шарт» бор: агар катта лавозим таклиф қилинаётган бўлса.

Нега ҳеч ким ўзига баҳо бериб, имкониятини чамалаб кўрмайди? Йўқ, бу иш қўлимдан келмайди, деб очиқ айтмайди?

Аслида ҳар соҳанинг бевосита раҳбари, халқимиз тилида айтганда, ҳар соҳанинг ўз эгаси бор. Афсуски, улар кўпроқ **тантанали маросимларда кўринишберадилар ва савлат тўкиб ўтирадилар, холос.** Топширилган иш учун жавоб бериш талаб этилганида эса, ҳеч кимни топиб бўлмайди. Ҳамма айбни бир-бирига ағдараверади. **Хуллас, муаммо кўп-у, ҳал қилувчи йўқ, раҳбар кўп-у, жавобгар йўқ.**

Кўпчилик хафа бўлмасин-у, айрим раҳбарларнинг ғалати хислатлари ҳақида гапирмоқчиман. Улар қўл остидаги одамларга етарли эътибор бермайди, ўзидан юқори амалдорлар олдида эса, саккиз букилиб салом беради. Ишни билмайди десангиз, ўз манфаати йўлида калласини шундай ишлатадики, ҳайрон қоласиз! Ана шуларни кўриб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда янглишиш нақадар мушкул оқибатларга олиб келиши мумкинлигига амин бўласиз. Тошкент шаҳрида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бир назар ташлайлик. Ҳозир шаҳарда 500 дан зиёд қўшма корхона рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги ҳали тўла ишга тушмаган. Бундай корхоналар, айниқса, Мирзо Улуғбек, Юнусобод ва Яккасарой туманларида жуда ҳам кўп.

Хўш, ички бозоримизни сифатли маҳсулот билан таъминлайдиган ва хорижга мол чиқариб, мамлакат валюта заҳирасини бойитиши лозим бўлган **бу қўшма корхоналар фаолияти билан биров қизиқяптими?**

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳам ниҳоятда суст амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, шаҳарда зарар кўриб ишлаётган савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат шоҳобчалари, кичик ва ўртача саноат корхоналари жуда ҳам кўп. Уларни ўз эгаларига тезроқ топшириш керак.

Ишончим комилки, боя айтганимдек, **тадбиркор ва ишнинг кўзини биладиган одамлар бундай корхоналарни тезда гуллатиб-яшнатиб юборади. Ўз шаҳрини обод қилишга аҳд қилган ҳар бир ҳоким бозор иқтисодиётининг энг муҳим шарти — мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини, маҳсулот ишлаб чиқаришда ва хизмат соҳаларида ўзаро рақобатни вужудга келтиришга алоҳида аҳамият беради.**

Бозор муносабатлари маълум даражада ишсизликни келтириб чиқариши табиийдир, корхона ва ташкилотлар берган рўйхат бўйича **шу йилнинг биринчи чорагида 4 мингдан зиёд одам ишдан бўшаган. Лекин шу пайтнинг ўзида 14 минг 736 иш жойи бўш турган.** Иш жойлари асосан саноат, қурилиш, транспорт, алоқа хизмати каби соҳаларда мавжуд. Бу муҳим масалада корхона ва тегишли идораларнинг бошини қовуштирадиган раҳбар борми-йўқми, деган савол туғилади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз одатда иқтисодий қудратни фақат ишлаб чиқариш қувватларида деб тушунамиз. Аммо жаҳонда бошқа тажрибалар ҳам бор. Оқилона йўлга қўйилган банк тизими, биржалар фаолияти ҳам ўз давлатларига жуда катта фойда келтирмоқда.

Кейинги пайтларда Тошкентда бир неча машҳур хорижий банкларнинг ваколатхоналари очилди. Шунга қарамай, биз банкларимиз фаолиятида кескин ўзгаришларни сезмаяпмиз. Очиғини айтганда, уларнинг молия бозоридаги «шогирдлик» даври анча чўзилиб кетмоқда.

Банкларимиз фақатгина мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни таъминлабгина қолмасдан, хорижий мижозлар маблағи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўядиган пайт келди. Яқиндагина Алматида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарларининг аҳдлашуви асосида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг таъсис этилиши бунга янги имкониятлар очиб беришига аминмиз. Қардош дўстларимиз билан алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг аҳамияти катта. Тошкент шаҳрида бу борада хайрли ишлар қилинаётганини айтишимиз керак. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасида тузилган шартнома бунинг ҳуқуқий асосларини яратади. Шу билан бирга, ҳамкорлик қўлами ҳозирча Тошкентдек шаҳри азим имкониятлари даражасида дея олмаймиз.

Агар ўзаро талаб ва эҳтиёжлар батафсил ўрганиб чиқилса, ҳамкорлик йўлидаги бюрократик тўсиқлар олиб ташланса, ҳозир ярим қувват билан ишлаётган шаҳар корхоналари имкониятини анча ошириш, Тошкент бозорларидаги деҳқончилик маҳсулотлари нархларини анча арзонлаштириш мумкин бўлур эди.

Бизнинг асосий вазифамиз — халқнинг турмуш даражасини кўтариш учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни жадаллаштириш ва ички бозорни маҳсулот билан тўлдиришда тадбиркорларга кенг йўл очиб беришдан иборатдир.

Шу ўринда яна бир карра раҳбарлик масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки бугун ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир.

Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Халқ ҳамиша ўз дастурхонига, туриш-турмушига қараб раҳбарларнинг ишига баҳо беради. Халқимиз сабр-тоқатли, чидамли халқ. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш — ўта масъулиятсизлик, ноинсофликдир. Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор масалада халққа мурожаат қилинса, «Эй халойиқ, мана шундай масала, тўсиқ бор, шуни ечишга ёрдам беринглар» дейилса, халқ доимо «лаббай!» деб жавоб беради. Халқ — катта куч. Ҳамма гап шу кучдан оқилона фойдаланиш, одамларни савобли, ижобий ишларга жалб қила билишда. Агар мансабдор, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ташаббус кўрсатиб, жонкуярлик қилиб, курашга аввало ўзи бел боғласа, қолаверса, халққа мурожаат қилса, ҳар доим халқимиз ёрдамга чиқади.

Жамиятда адолат тамойилларини тиклаш борасидаги ишларимизни, жиноятчиликка, порахўрликка, таъмагирликка, зўравонликка қарши муросасиз чора кўраётганимизни халқимиз қўллаб-қувватлаётир. Акмал Икромов туманидаги «Пахтакор» маҳалласи оқсоқолларининг мактубида шаҳар ҳаёти ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачиниш билан баён қилинади. Улар бозорлардаги, кўчалардаги аҳволдан бениҳоя ранжиб, шаҳарда мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатишни сўрайдилар. Ана шундай камчиликларни бартараф этиш фурсати етди, деб ўйлайман.

Инсон самарали ишлаши учун энг аввало хотиржам яшаши керак. Шаҳар осойишталигини таъминлаш мақсадида бирмунча ишлар қилинмоқда. Тошкентликларнинг ўзлари пойтахтда жамоат тартиби сақлаб турилганини, шаҳар тинч ва осойишта бўлиб қолганини эътироф этмоқдалар. Тошкент милицияси жиноятчиликни сезиларли даражада пасайтиришга, унинг оғир турларини анча камайтиришга муваффақ бўлди.

Мен кечқурун ишдан қайтар эканман, кўча-кўйларда бола-чақасини етаклаб, бемалол сайр этиб юрган одамларни, айниқса аёлларни кўриб қувонаман.

Шу билан бирга, бу масалада сал бўлса-да хотиржамликка берилиш жуда хавфлидир. Ҳали ҳам шаҳарда давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, жиноятчиликнинг баъзи бошқа турлари содир бўлиб турибди.

Маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда яна ҳам қаттиқроқ ишлаши шарт. Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида янада кўпроқ иш қилинмоғи, **коррупция, порахўрлик ва рэкетга нисбатан бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим.** Бу борада Тошкент шаҳри бутун мамлакатга намуна бўлиши керак, деб ўйлайман.

Тошкентда 2 миллион 200 мингдан зиёд одам яшайди. Келди-кетди ҳам ниҳоятда кўп. Ўзбекларда: шаҳар бедарвоза эмас, деган гап бор. Шундай экан, Тошкентнинг дарвозаси бўлиши керак. Шаҳарнинг эгаси бўлиши даркор. Шимолдан, турли ёқлардан келаётган ҳар хил дайди ва муттаҳамларни ушлаб, келган жойига қайтариб юбориш керак.

Тошкентда жиноят оламининг машҳур намояндалари — «авторитет»лар кўп эди. Уларнинг аксарияти тугатилди. Баъзилари ҳозир тижорат йўлига ўтган. Лекин ёш, ҳаётни тушуниб етмаган, халқ тили билан айтганда, «ўпкаси йўқ» зўравонлар пайдо бўлаётгани аҳолини ташвишлантирмоқда. Ана шу жиноятчилар билиб қўйсин, уларга қаршиши шафқатсиз кураш тўхтамайди. Ҳар қандай зўравоннинг танобини тортиб қўйиш қўлимиздан келади.

Ўз-ўзини бошқариш органларининг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан. Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, маналман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювош бўлиб қолади. Нега деганда, ҳамма — у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирмасин, маҳалла аҳлига бўйсунишга мажбур. Шунинг учун такрор айтаман, айрим «бели бақувватлар» ҳам, қутириб кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага қулоқ солади. Қулоқ солмай ҳам кўрсин-чи! Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суянган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим.

Ўзбекистон ҳукумати маҳаллаларга катта эътибор билан қараяпти. Тошкент

• Бирортаям танқид натижасиз қолмаслиги керак! •

# «БОЗОР ПАНАСИДАГИ УЧИНЧИ ОДАМ»

## «Халқ сўзи»да 29 июнда чиққан ана шу сарлавҳали рейд изидан

**Ушбу рейдда харидор ва сотувчи ўртасидаги суньий ғовлар, пештахтада маҳсулотни мўл-кўл қилиш билан боғлиқ ташвишлар қаламга олинганди. Биз яна мавзуга қайтишга, ўтган кунлар ичида амалга оширилган ишларни таҳлил этиб, баъзи мулоҳазаларни баён қилишга ахд қилдик. Бинобарин, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, бозор билан боғлиқ юмушлар мавсумий кампания эмас, балки у доимий эътиборни талаб қилади.**

### «ТЕМИР НАРХ»ЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛЯПТИ

Олой бозорига кираверишдаги биринчи манзара кишида ёруғ кайфият уйғотади: Қибрай яхна ичимликлар комбинати ташкил қилган дўконда маъданли сувлар ҳеч зўриқишларсиз харидорларга «тортиқ» қилинаяпти. Дўкон олдида одам ҳам тирбанд эмас, атроф саранжом-сариштa, нархлар кўринарли қилиб ёзиб қўйилган.

Ўтган вақт ичида бозор янада бойибди, бир қарашдаёқ буни илғаб олиш қийин эмас. Пештахталар тирбанд, баланд қилиб тахланган маҳсулот уюмлари кўзга ташланади. Бу — яхшилик аломати, қанча мўл-кўлчилик бўлса, юртда фаровонлик шунча юқори бўлади. Харидорларда ҳам босиқ кайфият, шошилмасдан савдолашиш имкони яратилгандек. Ҳар ҳолда жиддий назорат оқибати бўлса керак, расталар, пештахталар орасида ўзгача басаришталик, тартиб.

Нархлар пасайиб бораётир. Янгийўлдан келган деҳқон «шикоят» қилиб қолди: шанбада помидорни 4 сўмдан пуллаган бўлса, бугун 2,5 сўмга ҳам «тортмаяпти» экан. (Шу кун кечқурун помидор 50 тийинга тушди). Олдингидек, «темир нарх»лар ҳам йўқ, картошкани бир жойда 8 сўм деб туришибди, ичкарироқда эса 5 сўмдан ҳам сотишаяпти.

— Бозор қандай? — сўраймиз харидорлардан.

— Ўртача.

Ҳа, бизнинг талабчан замондошларимизни қойил қолдириш қийин, лекин ҳар ҳолда фиғони фалакка чиқиб, шикоят қилиб кетмадику. «Ўртача» дегани «аҳвол ўнгланаяпти» дегани бўлса керак.

### ЙЎЛЛАРДАГИ... ТАЛОНЧИЛИК

Эътиборли томони — хўжаликларнинг маҳсулотларини шу жойда сотиш — ярмарка ташкил қилинибди. Қатор тизилиб олган юк машиналари атрофида одамлар тирбанд, нарх нисбатан арзон, маҳсулот сифати ҳам ёмон эмас. Машинадан картошка сотаётган йигитларга яқинлашамиз:

— Ҳорманглар, қаердан сўраймиз?

— Қашқадарёнинг Китобидан.

— Савдонинг аҳволи қалай?

— Икки кун бўлди келганимизга. Дастлаб 8 сўмдан сотдик. Ҳозир 5 сўмга туширдик. Майли-да, эртароқ пуллаб уйга борсак... Ҳосил яхши бўлди, исроф бўлмасин, деб олиб келгандик.

— Йўлда қийналмадингларми? Бу ерда яхши кутиб олишдими?

— Бозор маъмуриятига эътирозимиз йўқ. Яхши кутиб олишди, энг гавжум жойдан ўрин беришди. Йўлда ҳам ДАН ходимлари ортиқча хиралик қилишмади. **Бироқ бошқача «ҳунар» пайдо бўлибди — талончилик. Омонқўтондан ўтгандан кейин йўлимизни тўсиб, секин юришга мажбур қилишди. Шу пайтда бортга чиқиб олишган экан, йигирма халтача картошка йўқ.**

Йўлдаги даҳмазалар тугамас экан-да. Аслида шахсан мен деҳқоннинг 500 км. узоқликдан маҳсулотини қийналиб олиб келиб сотишида қандай мантиқ борлигини тушунмайман. Бу шаҳарга картошка керак эмас ёки вилоятлардан келганлар қабул қилинмасин, деганини англатмайди. Ахир худди шу юмушни бирор масъул ташкилот бажариши мумкин-ку! Тайёрлов идоралари туманда ҳам, вилоятда ҳам бор, агар уларнинг фаолияти қучайтирилса, деҳқон ортиқча ташвишлардан қутулар, ички ишлар ходимлари эса кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари-ю талончилик билан боғлиқ суриштирув-қидирувлардан озод бўлишарди.

Албатта, бозордаги маъмурчилик, жузъий ютуқлар ҳали хотиржамликка асос бўла олмайди. Агар биз масалага яна ҳам теранроқ, тарихларда ёзиб қолдирилган хайрли ишлар мезони билан ёндашадиган бўлсак, ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Отабоболаримиз бозорга бой бўлиш учун эмас, тиричилик учун қадам ранжида қилган, қолаверса, уларда одамларнинг ҳожатига яраб, савоб олиш илинжи кучлироқ бўлган... Шаҳрисабз атрофидаги қишлоқларда ғарқ пишиқчилик пайти рўзғордан ортган мевани саватлаб эшакка юклаб, уни бозор томон қўйиб юборишаркан. Бозорда зарурталаб одам маҳсулотни олиб, пулини саватга қистириб, эшакни яна орқасига қайтариб юбораркан. Ёки кечқурун савдогар лаш-лушини ўз ҳолича ташлаб, устига нари борса белбоғини ёпиб кетаверган ва эрталаб яна ҳеч ташвишсиз ишини давом эттираверган.

### ДИРЕКТОРЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Биз ўша рейдимиз давомида кўплаб кўнгилсиз воқеаларга дуч келган, улар ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён қилган эдик. Бу гал эса белгиланган тадбирлар юзасидан бевосита мутасаддиларнинг фикрини билишга қизиқдик:

**Обид ЮСУПОВ, Олой бозори директори:**

— Ходимларни яна бир марта синовдан ўтказдик. Ҳужжатларни туман ҳокимлигига тавсия этдик. Бизнинг вазифамиз — сотувчиларнинг яхши фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб бериш. Ишимизда камчиликлар бор, уларни тузатишга киришдик.

Директорнинг иш бошлаганига уч ой бўлган экан. Суҳбатларимиз асосида у ишни ўнглаш учун қандай режалари борлигини ёки биздан сир тутди ёки ҳали аҳвол билан танишиб улгурмаганми — тайинли бир гап айтолмади. Ҳолбуки, Олой бозори Тошкентнинг қоқ маркази, бу ерда фақат сотувчилар билан эмас, харидорлар билан ҳам «ишлаш»га тўғри келади. У киши эслатган «синов» қандай ўтганини билмадик-у, ички синовда 95 кишидан ниҳоят 2 кишининг (унинг ҳам бирини нафақага узатиб) «ўз ишига лойиқ топилмагани» анча юмшоқ жазодек туюлди. Обид ака шаҳар бозорлар бошқармасининг янги раҳбарларидан биринчи «совға»ни олибди: унга аттестация ҳужжатларини кечикиб топширгани учун олти директор қаторида «замечание» (6 июлдаги 28-буйруқнинг матни ўрисча тайёрланган) беришибди. Бу кейинги фаолият учун туртки бўлса ажаб эмас.

**Баҳодир ТОШПЎЛАТОВ, Олой бозоридаги савдо-харид корхонаси (СХК) директори:**

— Эндиликда бозорнинг қиёфаси ҳам, унга талаб ҳам ўзгарди. Бизнинг корхона фаолиятига келсак — у ўтган йили очилган эди, вазифаси — деҳқондан маҳсулотни улгуржи олиб, чаканалаб сотиш. Бизга талабгор кўп, бироқ ҳаммани қабул қила олмаймиз. Бунинг сабаблари кўп, олайлик, нақд пул бериш керак, у бизда бўлавермайди...

Корхонада 33 киши ишларкан. Директордан июль ойида қанча маҳсулот қабул қилганини сўрадик. У тавсия этган рўйхатда қайд қилинишича, 20 тоннага яқин карам, бодринг, картошка, пиёз ва сабзи қабул қилинган, мижозларнинг уч нафари Сурхондарёдан, 2 нафари Янгийўлдан. Агар 15 кунлик натижа шу бўлса, бу 33 киши учун оз. Хўш, буйруқдан ўтган ходимлар ўз ишини бажараяптими? Директор улардан айримлари вилоят ва туманларда шартномалар тузаётганини айтди. Аслида, бизнинг назаримизда, бозорни маҳсулот билан таъминлаш, нарх арзонлаштиришнинг аниқ йўлларидан бири — ана шу савдо-харид корхонасининг фаолиятини кучайтириш, уни ҳамма бозорларда тузишдир. Балки улар туман ёки вилоятдаги тайёрловчилар билан ҳам алоқа боғлар, маҳсулотни сотиб олиш, ташиб келтириш ва сотиш юзасидан тадбирлар кўрар. Ҳозир туманларда мавжуд улгуржи савдо комбинатларига ўхшаш тузилмаларни бозорлар қошида ҳам СХК-лар кўринишида ташкил қилиш мумкиндир.

Бир нарса маълум бўлиб қолаяптики, шўро замонида бизнинг азалий бозор анъаналаримиз ҳам унутилган. Ахир Шарқ, жумладан, Мовароуннаҳр миноралари ва бозорлари билан дунёни лол қолдирган-ку! Шундай экан, энди миллий хусусиятларга таянган ҳолда бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, янги тузилмалар яратиш пайти келди. Бозорлар қаллоб-олғирлар маскани эмас, халқимиз турмушининг кўзгуси бўлмоғи керак.

Бозорга янгича назар билан қарашларнинг бири, шубҳасиз, бозор аҳлига нуқул қора чаплайвермай, уларнинг хизматини эътироф этиш ҳамдир. Эрта тонгдан кеч шомгача пештахталар орасида одамларнинг корига яраш учун юрганлар сафида ҳалол, инсофли, фидойи инсонлар борлиги шубҳасиз. Шунингдек, ҳамма соҳада бўлгани каби бозорнинг баланд-пастини ҳам шу жойда бўғини қотган кишиларгина билади ва фақат уларнинг аралашуви, ғайрати билан вазифаларни уддалаш мумкин.

Суҳбатдошларимиздан бири **Шоюнус МИРЮСУПОВ, Эски Жўва бозорининг директори:**

— Узоқ йиллар Фарҳод бозорида директор бўлиб ишладим. Шу давр мобайнида янги расталар қурилди, бозорнинг нуфузи ошди. Чорсуга ўтганимга 8 ой бўлди. Эҳтимол, маҳаллий шароитни тез идрок этолмасликданми, ишни йўлга қўйиб юбориш қийин бўлаяпти. Баъзан ташлаб кетгинг келади...

Мирюсупов билан қабулхонада жуда қисқа гаплашдик, вақт зиқроқ эди. У ўзининг ачинишлари, пушаймони билан анча ориятли, ишчан одамга ўхшаб туюлади. Яна... қайдам... Ҳа, ўтказилаётган «бозор сиёсати» одамларнинг виждони, инсофи ва одамгарчилигига синов бўлса ажаб эмас. Ахир ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, кишининг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам бир кун тарозига қўйилади.

### ПАТТАЧИ КИМНИНГ ИХТИЁРИДА ЁКИ БОЗОРГА КЕЛГАН ДЕҲҚОН ҚАЕРДА ТУНАЙДИ?

Яқинда Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси бошлиғи Миркамол Мажнунов ишдан олиниб, ўрнига Р. Раҳматуллаев тайинланганди. Албатта, амалга оширилаётган ва галдаги вазифалар ҳақида янги раҳбарнинг фикрини билиш шаҳардаги бозорларнинг эртанги қиёфасини тасаввур қилишда муҳим чизги бўлиши шубҳасиз. Шу сабабли суҳбатнинг қисқа баёнини келтирамиз.

**Рустам РАҲМАТУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси бошлиғи:**

— Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасидаги ўша йиғилишда, куни-кеча Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ўртага ташланган вазифалар ҳақиқатдан долзарб, ҳаётий. Сир эмас, бозорга қадам ранжида қилган одам разм солиб қараса, вазиятни чалкаштириб турган «учинчи одам»ни қийналмай топиб оларди. Қолаверса, шундай нусхалар борлиги бозор раҳбариятига ҳам маълум эди. Ҳолбуки, бу ғовни бартараф этмай, аҳволни ўнглаб бўлмасди.

— Бозорда маъмурчиликни таъминлаш учун қандай тадбирлар кўрилди?

— Шаҳар атрофидаги жамоа хўжаликлари билан шартномалар қайта кўриб чиқилди. 6 тумандаги 58 хўжалик билан ҳудудимиздаги 10 бозор маъмурияти ўртасида белгиланган тартибда маҳсулот етказиб беришга келишдик. Вакилларимиз жойларга чиқиб, деҳқонлар билан гаплашмоқда. Вилоятлардан келаётганларни кутиб олиш, ўнғай бозор ва, албатта, пештахтада савдо қилишни ташкил этиш бўйича тадбирлар кўрилди. Алоҳида транспорт воситалари ажратилди.

— Транспорт етарлими?

— Ҳозир 70 та автомашина 17 йўналиш бўйича юк таший бошлади. «Ўзкооптайёрловсавдо» ҳам қўшимча 10 та машина ажратди. Бозор маъмуриятлари транспорт экспедицияси агентликлари билан шартномалар тузишди. Эски Жўва, Олой, Фарҳод, Қўйлиқда жойлашган ТЭА пунктларига мурожаат қилишса, ёрдам беришади. Баъзи жойларда бозор бошқаруви кира ҳақининг 50 фоизини ўз зиммасига олиши мумкин.

— Савдо-харид корхоналари (СХК)нинг фаолиятида ўзгариш бўладими?

— Бу тузилма бозорда нархни тушириш бўйича рақобатчи бўлиши керак. Ҳозир вакилларимизни автотранспорт тўхташ жойларига юборганмиз. Улар деҳқонларни ўзларига қулай бозорга таклиф этади, яхши шароитни ваъда қилади, мабодо уларнинг вақти бўлмаса, улгуржи сотиб олиб, пулини нақд тўлайди.

— Ҳар доим нақд пул бўлавермаслиги мумкин. Тўловда мувоза (бартер) усулини йўлга қўйиш мумкин эмасмикин? Олайлик, музлатгич, телевизор, гилам ҳаммага ҳам керак.

— Бўлади.

— Бозор ичидаги дўконлар кимнинг тасаррафида?

— Уларнинг кўплари тижоратчиларга хусусийлаштириб берилган экан. Ҳолбуки, бозорлар бошқармасининг ўз дўконлари бўлмаса, унинг мавқеи юқори бўлмайди. Арақ, кабоб, сақич сотилаётган дўконларни жамоа ва фермер хўжаликларига бўшатиб бериш масаласи ўртага қўйилаяпти.

— Бозор директорлари ҳатто паттачини ҳам ишдан бўшата олмас экан.

— Тўғри, олдинги тартиб бўйича ходимларни қабул қилиш ва бўшатиш ҳуқуқи фақат бошқарма ихтиёрида эди. Шу йил 15 майдан бошлаб ҳамма ходимлар билан «шуғулланиш» ҳуқуқи бозор маъмуриятига ўтди. Айни пайтда бозор директорининг ҳуқуқлар мажмуаси ишлаб чиқилмоқда. Унда бозордаги милиция, санитария, солиқ хизмати билан ишлаш шартлари, директорнинг назорат қилиш ҳуқуқи ва бошқа зарур вазифалар белгилаб қўйилади. Бозорларда оқсоқоллар кенгашлари тиклана-ётир.

— Сизнингча, бозор аҳлининг ҳалоллиги қанчалик муҳим?

— Энг муҳими — шу! Ҳозир ходимлар қаттиқ чиғириқдан ўтказилаяпти. Бозордаги паттачи, техниклар, фаррошлар туман ҳокимлигининг, бозор директорлари ва уларнинг ўринбосарлари Адлия вазирлиги ва шаҳар ҳокимлигининг синовидан ўтади.

— Ўзингизнинг биринчи галдаги вазифангизни нима деб биласиз?

— Интизомни йўлга қўйиш. Ҳар бир ишда тартиб ўрнатилмас, айтилган нарса ўз вақтида бажарилмас, раҳбарнинг таъсири бўлмас экан, бирор натижага эришиш қийин.

— Бозорларда омборхона, музхона етарлими?

— Омборхона, музхоналар умуман йўқ. Ана шу камчилик тугатилса, аҳолини йил бўйи сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашга фақат хўжаликлар эмас, бозорлар ҳам ҳисса қўшган бўларди.

— Бозорга келган деҳқонлар қаерда яшайди?

— Бу нарса ҳам ўлдажўлда экан, ким ижарада, ким мусофирхонада. Аслида «Деҳқонлар уйи» деб аталган комплекслар қуриш керак. Унда дам олиш, овқатланиш учун барча шароитлар муҳайё бўлади, ундан ташқари меҳмонларнинг таклифлари ҳам ўрганилади...

— Балки музей ҳам бўлар. Олой бозорининг ташкил этилганига юз йилдан ошган, дейишади, шу даврда қанча сир-савдо ўтган. Бу бир музейга арзимайдими?

— Ўйлаб кўрадиган таклиф экан.

— Катта юмушлар олдидан чўчимаяпсизми?

— Чўчиганимда ишни қабул қилмасдим.

Бу суҳбатнинг эътиборли томони шундаки, у Раҳматуллаев шу ишга тайинланиши ҳақидаги буйруқни олганидан роса ўн кун ўтгач бўлган эди. Албатта, янги раҳбарнинг аниқ режалари борлиги, вазиятни тўғри баҳолай олгани хайрли ишларга умид уйғотади.

...Ўйлаб қаралса, шаҳардаги барча йўллар бозорга элтар экан. Шунингдек, «турмуш» деб аталмиш ташвишлар дунёсининг барча эҳтиёжи ҳам бозорда битади. Агар биз соғлом турмуш тарзига эришишни, кўнгилхираликларсиз, покдомон яшашни хоҳласак, бозорларни тартибга келтириш лозим. Бозор маданиятини шакллантириш азалий анъаналарга бой халқимизнинг айни муддаосидир. Шунда, эҳтимол, зарурият тақозоси билан эмас, балки бўш вақтни кўнгилли ўтказиш учун бозорларга тушишга тўғри келар ёки хонадонимизга ташриф буюрган ажнабий дўстларимизни турмуш тарзимиз билан таништириш учун ҳеч тортинмай бозорларга бошлаб борамиз. Негаки, бозорларимиз азалдан ўз қиёфаси билан барчани мафтун этиб келган...

Самарқанддаги бозорларнинг бирини дарвиш қиёфасида юриб кузатган бир хорижий сайёҳнинг хотираларида шундай лавҳа келтирилади: икки киши ўзаро савдолашади-да, сотувчи тилхат ёзиб, олувчига бармоқ бостириб қолади. Яна шуниси қизиққи, тилхатни қарздорга бериб юборади. «Дарвеш» ичида кулиб, бу ҳолга изоҳ сўраганда: «Ў ҳар сафар тилхатни кўрганда қарздорлиги эсига тушавериши учун шундай қилдим», деб жавоб беради.

Очни тўйдирадиган, тўқни ҳимматга ундайдиган бозорларнинг азалий қиёфаси аслига қайтишига шак-шубҳа йўқ.

**Ҳаким САТТОРИЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Ислоҳот фидойилари*

# БИЗ, ФЕРМЕРЛАР, АВВАЛО, ХАЛҚ МАНФААТИНИ КЎЗЛАМОҒИМИЗ ШАРТ

**Мана, тўрт йилдирки, «Бегмат» фермер хўжалигининг раҳбариман. Очиғи, фермерликни бироз чўчиброқ бошлагандик. Энди англасам, тиричиликнинг бу усули бир вақтлар ота-бобомизнинг касби-кори бўлган экан.**

Фақат фермерликда замонавий иш юритиш, тартиб бўлиши керак. Бой бўлишнигина эмас, халқни тўйдиришни ўйлаш лозим. Нокамтарлик бўлса ҳам айтай, ўтган давр мобайнида анча-мунча бадавлат бўлиб қолдик, давлатга тонналаб гўшт-сут етказиб бердик. Ўтган йили 80 тонна сут етиштирдик. Ҳозир 83 бош қорамолимиз, 85 қўйэчки, 9 отимиз, яна 15 миллиондан зиёд Колифорния чувалчангимиз ҳам бор. Ҳадемай, бу чувалчангларнинг «хизмати» билан фермер хўжалигимизда биогумус тайёрланади. Ихтиёримиздаги 43 гектар ернинг ҳаммаси озуқа экинлари билан банд. Шу боис бизда ем-хашак муаммоси йўқ. Боз устига экин майдонимиз унумдор, серҳосил.

Ер тўғрисида яна бир гап. Хўжалигимиз ёнида 5 гектар ташландиқ жой бор эди. Бу ердан нақд 300 тележка темир-терсак ва бошқа чиқиндиларни ташиб, сўнгра боғ барпо қилдик. Шукур, мана, дарахтлар ҳосилга кириб, турли меваларидан кўпчилик баҳраманд бўлаётир. Меваларидан «Андижон» ширкатлар уюшмасидаги болалар боғчасига бепул тортиқ қилаяпмиз. Ҳадемай, текин сут билан ҳам хурсанд қилиш ниятимиз бор.

Шунга аминманки, фермерликни суиистеъмол қилган қиши ўзини ҳам, халқни ҳам алдайди. Айрим фермерлар шу номни ниқоб қилиб, ерларидан бошқа мақсадларда фойдаланаётгани, баъзилар эса олди-сотди билан шуғулланаётгани рост. Бу—бор гап. Ўз тажрибамдан кўрдимки, фермерлик фақат ҳалол меҳнат билан ривож топади. Бугун қаддини тиклаб олиш ўрнига фақат бойиб қолишни ўйлаган фермерларнинг эртага ўзўзидан «синиш»лари турган гап. Қолаверса, Президентимизнинг таъбири билан айтганда, «аграр ислоҳотнинг қалдирғочлари» — бугунги фермерлар зиммасида катта тарихий масъулият — республикамиз қишлоқ хўжалигида эндигина шаклланаётган бу мулкчилик турига мустаҳкам пойдевор қўйишдек шарафли вазифа турибди. Шу боис етмишни қоралаган бўлсам-да, туну кун ўйлаганим шу: хўжалигимизни эл-юртга кўпроқ нафи тегадиган даражага етказсак.

**Бегмат ЖОИНОҚОВ,**
**Оқолтин тумани «Андижон» ширкатлар уюшмасидаги «Бегмат» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.**

Айни шароитда жамғармангизни қаерга қўйишни билмасангиз, **"Титан" ЛТД** пулингизни ўзингиз учун ишлашига имконият яратади. Ва бунинг учун Сиз фақат биздагина ҳар ойда 30 фоиз қўшимча ҳақ оласиз !

**Тошкентдаги телефонларимиз:**
***77-30-11***
*соат 15.00 дан 22.00 гача;*
***29-35-12***
*соат 9.00 дан 18.00 гача;*
***24-99-23***
*соат 9.00 дан 18.00 гача.*

"Маданият" илмий-ишлаб чиқариш савдо-маданий маркази Тошкентдаги омборидан аравачали *"Урал"* мотоцикларини, хорижда ишлаб чиқарилган эркак ва аёллар туфлиларини, ҳар хил газламаларни, *"Полюс"*, *"ОРСК-416"* маркадаги музлатгичларни, *"Чайка"* тикув машиналарини ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмол молларини сотади.

**Маълумот учун телефонлар:**
*45-47-45; 45-49-52; 45-85-56.*
**Манзилимиз:**
***Тошкент, Шайҳонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1, "Халқлар дўстлиги" метро бекати.***

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### АҚШ МУДОФАА ВАЗИРИ БОЛҚОНГА КЕЛДИ

**18 июль куни АҚШ мудофаа вазири Вилям Перри Болгария ҳукумати раҳбарлари билан учрашиш учун Софияга келди.**

Учрашув чоғида Болқон ҳудудида ҳавфсизликни таъминлаш учун ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилади. Маҳаллий телевидениенинг хабар беришича, Вилям Перри бир қанча Болқон давлатларига ҳам сафар қилади.

### МАҚСАД — МУНОСАБАТЛАРНИ ТИКЛАШ

**Якшанба куни АҚШ бош котиби Уоррен Кристофер Яқин Шарққа навбатдаги сафарини бошлади.**

Бу сафардан асосий мақсад Исроил давлатининг Иордания ва Фаластин Озодлик Ташкилоти билан музокараларини янада мустаҳкамлаш ҳамда Исроил ва Сурия муносабатларини тиклашдир.

### ҚУШИНЛАР КИРМАЙДИ

**Франция ҳукумати Руанда ватанпарварлар жабҳасининг раҳбарларига мамлакат жануби-ғарбида жойлашган «инсонпарварлик ҳудуди»га ҳеч қандай ҳарбий қўшинларнинг киришига йўл қўймаслигини маълум қилди.**

Франция Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида Заир ҳудудидаги Гоми шаҳрининг бомбардимон қилиниши қораланади.

### ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Хитой ҳукумати Шимолий Кореяга иқтисодий ёрдамни кучайтириш ҳақида қарор қабул қилди.**

Бу қарор марҳум Президент Ким Ир Сеннинг ўғли ва расмий меросхўри Ким Чен Ир бошлиқ янги ҳукуматни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Хитой давлат бошлиқларининг фикрича, КХДР ҳукуматининг мустаҳкамланиши Корея яғим оролида сиёсий барқарорликни таъминлайди. Бу—Хитойнинг иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Хитой Шимолий Кореяга нефть, кўмир, озиқ-овқат ва бошқа эҳтиёж моллари етказиб беришни кенгайтириш ниятида. Расмий маълумотларга кўра, икки мамлакат ўртасидаги 1993 йилги савдо-содиқ ҳажми 890 миллион долларни ташкил этган.

### ОПЕРАЦИЯ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

**18 июль куни эрталаб Кошен касалхонасига ётқизилган Франция Президенти Франсуа Миттеран жарроҳий операция қилинди.**

Операция муваффақиятли ўтди, дейилади Франс-пресс ахборот маҳкамаси хабарида. Бироқ Президент Миттераннинг касалхонага тушиш сабаби маҳкама тарафидан ҳалигача маълум қилинмади.

### КЕЛИШУВГА АСОСАН

**Эрон ойнаи жаҳони яқин кунларда Албанияга кўрсатувлар узата бошлайди.**

Эрон давлат телерадиокомпанияси раҳбари албаниялик ҳамкасби билан Теҳрондаги музокаралар натижасида шунга аҳдлашди. Айни пайтда Теҳронда албаниялик мутахассислардан бир гуруҳи ана шу ишни амалга ошириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

### АНТИҚА ҚАРОР

**Бу йил Жанубий Корея пойтахтининг 600 йиллиги байрам қилинади.**

Маҳаллий ҳокимият ана шу тарихий воқеа муносабати билан сеулликларнинг ҳозирги турмуш тарзини ифодаловчи 600 та нарсани заминга қўмиб қўйишга қарор қилди. Кўмиш режалаштирилган нарсалар орасида рўзнома, фото ва видеоматериаллар, компьютер диски ва статистика маълумотлари мавжуд.

Бу нарсаларни бундан 400 йил кейин, яъни Сеулнинг 1000 йиллиги куни қазиб олиш васият қилинади.

### МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ

**Жаҳон ахборот маҳкамалари хабарига қараганда, кеча Пхеньянда Шимолий Корея Президенти Ким Ир Сенни кўмиш маросими бўлиб ўтди.**

Хабарингиз бўлса, марҳумни кўмиш 17 июлга белгиланган эди. Бироқ «доҳий» билан видолашишни истовчилар бениҳоя кўплигини ҳисобга олиб, шундай қарорга келинганди. 20 июлда эса мамлакат пойтахтида марҳум билан видолашув намойиши бўлиб ўтади.

### ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўтган якшанба куни Президент Б. Раббоннийга қарши кучлар Афғонистон пойтахтига 360 та ракета ёғдирди.**

Қобулнинг турли чеккаларида 16 та бино вайрон қилинди, кўплаб қурбонлар ва яраланганлар бор.

### ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ Л. КРАВЧУК БИЛАН УЧРАШДИ

**Кеча Украиннинг Президенти этиб сайланган Леонид Кучма янги лавозимга киришди.**

Шу куни у қасамёд қилиб, Олий Кенгаш ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Расмий маросимдан сўнг Л. Кучма Президент қароргоҳига келиб, Л. Кравчук билан учрашди. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, учрашув ёпиқ эшиклар ортида ўтган.

• Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан •

# УЛ ОШИҚ СИЙРАТИНДА ШОҲ ШОИРНИНГ ДАРВЕШОНА ХОКСОРЛИГИ МУЖАССАМ ЭДИ

**Тарихчиларнинг эътироф этишларича, илму ижодга ҳаддан ташқари берилган подшоҳлар салтанатни мустаҳкам сақлай олмай, салтанатдаги сиёсий жараёнлардан узоқлашганлар, ҳукумат тадбирларида хаталарга йўл қўйганлар. Оқибатда ҳукмдор сифатида таназзулга юз тутганлар. Бу — ижодкор шоҳларнинг қонуний қисмати эди. Бироқ Ферузнинг шоҳлик ва ижодкорлик тақдирини азал котиблари ўзгачароқ ёзганлар. У Ҳева тахтида узоқ муддат мустаҳкам ва муқим ўтирди. Умр паймонаси тўлгунга қадар маданият ва санъатга ҳомийлик ҳам қилди.**

Феруз бадиий ижодда ўз замонаси шоирларининг пешволаридан эди. У нозик табъи, ўткир диди, равон услуби билан адабий муҳитдаги кўпгина шоирлардан устун турарди. Айниқса, ишқ-муҳаббатнинг мумтоз тасвирини яратишда комил ижодкор даражасига етганди. Феруз назми билан ошно бўлган адабиёт муҳиби шоирнинг қуйидаги фахрияси ҳеч муболағасиз айтилганлигига имон келтиради:

**Сенга Феруз ўлуб бахт, этдинг ул ой қадду зулфин васф,**
**Бу янглиғ табъи нозик бирла ашъорингга салламно,**

Аммо Феруз назмида шоҳона ва шоирона ифтихор туйғулари бўртиб тургучи бундай байтлар кўп эмас. Қайтага, оддий шоирларимиз шеъриятида фахрия байтлар тез-тез учрайди. Унинг лирик қаҳрамони оддийлардан-да оддий, камтарин бир ошиқ сиймо. Бу ошиқ инсон сийратида шоҳ шоирнинг дарвешона хокисорлиги мужассам. Ишқ йўлига тушган шоҳ маҳбубининг бандайи беэътиборига, парилар сарварининг қулига айланади:

**Агарчи бахти Феруз ила даврон шоҳиман, лекин**
**Сенинг, эй ҳусн амири, бандайи беэътиборингман.**
**Гарчи эрурман толеи Феруз ила оламга шоҳ,**
**Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.**

Камтарин бу ошиқ шоирдан камтарин бир адабий мерос ёдгор қолган. Турли мавжуд манбалардан аниқланиб, яхлит мажмуа ҳолига келтирилган меросда 98 ғазал (1498 мисра), 7 мухаммас (220 мисра), 7 рубоий (28 мисра), 2 мусаддас (84 мисра), 4 маснавий (706 мисра) ўрин тутади. Бу асарларнинг умумий ҳажми 2028 мисрани ташкил этади.

Бироқ ушбу рақамлар Феруз ижодиёти қуллиёти ҳажмини белгилай олмайди. Феруз ва унинг меросига оид манбалар энди ўрганила бошланди. Ўз даврида Феруз анъанавий тартибдаги яхлит бир девон яратиб қолдирмаган. Шунинг учун унинг мероси пароканда ҳолатда етиб келган. Меросининг узил-кесил ва тугал сарҳисобини яратиш учун изланишлар давом этмоғи лозим.

## БОШ МАВЗУ — ИШҚ, БОШ ҚАҲРАМОН—ОШИҚ

Феруз шеъриятида ишқ мавзуси чуқур бадиий таҳлил этилган. Бошқа барча мавзулар ишқий асарлар доирасида ферузона ўзига хос талқинини топган. Феруз ҳаёти ҳамда фаолиятининг дунё мулки ва муаммолари билан чамбарчас боғлиқлиги унинг бир қадар дунёвий шахс бўлишини тақозо қиларди. Дарвоқе, унинг дунёқарашида дунёвийлик, ҳаётсеварлик руҳи устивор. Аммо, шу билан бирга, Феруз бағоят тақводор эди. У ўзига насиб этган дунёнинг мулки, мамлакати, неъматлари, истеъдод қудрати — бари-барини Оллоҳнинг иноятн, хоҳиши, иродаси деб тушунарди. Шу боис ҳам унинг ғазалиётида илоҳий қудратга муҳаббат туйғулари барқ уради:

**Зеҳн бордур зуҳурингга азал бирла абад пайдо,**
**Тафаккур айлабон зотинг, қила олмас хирад пайдо.**
**Не ҳикматдурки, гулдек юз ато бир кимсага айлаб,**
**Бировда булбулосо оҳу афғон беадад пайдо.**
**Қачон ҳамдингга гўё айлагум тилни мане бекас,**
**Манга гар бўлмаса алтофи фазлингдин мадад пайдо.**
**Бу ҳам бор қудрату заъфингни тасдиғига бир бурҳон**
**Ки, қилдинг бу тўқуз қат осмонни беадад пайдо.**
**Нечук мақбуллиғ тоғғусидир аҳли жаҳон аро**
**Ул одамким, онга қаҳринг соридин бўлса рад пайдо.**
**Борисн хоҳиши тақдирнинг ила бўлғуси мавжуд,**
**Неким гар бандадин оламда бўлса неку бад пайдо.**

**Топар кавнайн ичра мақсад ила комини Феруз,**
**Иноётнинг била бўлса анга гар писанд пайдо.**

Бу соф илоҳий қудрат соҳиби Тангри-таоло васфига бағишланган ғазалдир. Унинг ғоявий мазмуни Тангрига имон-эътиқод, ихлос-муҳаббат изҳоридан иборатдир. Ферузнинг илоҳий қудрат мўъжизаларини бадиий талқин этишича, азал билан абаднинг пайдо бўлиши илоҳий қудрат зуҳури (мавжудлиги)нинг яққол далилидир. Аммо унинг зоти — келиб чиқиши, вужуди мутлаққа айланиши жараёнини ақл тафаккур этиш йўли билан идрок этолмайди. Уни фақат илми ғайб, илми ладуний воситасида инкишоф этиш мумкин, холос.

Англашиладики, Феруз назмидаги ошиқона мажнунлик, завқу шавқ илоҳий ишқ унсурларидан вужудга келган. Унинг ошиқона ғазалларида риёсиз, пок муҳаббат мадҳ этилади. Ошиқона ғазалларнинг лирик қаҳрамони сўфийи соф сиймо бўлиб, у зоҳидона тақводан ҳазар қилади. Феруз зоҳидона ихлосу ибодатни инкор этади, чунки у хўжакўрсин ва намойишкорлиқ руҳидаги юзаки, сохта муҳаббатдир:

**Донан дом айлама субҳангни, эй зоҳид, манга,**
**Холу зулфидин эрур тасбеҳи авродим менинг.**

Зоҳид ҳақиқатбин эмас, балки зоҳирбин. Унинг ихлосу ибодатларида муҳаббатнинг ботиний эмас, зоҳирий — ташқи, юзаки унсурлари мужассам. Зоҳид ўқиётган дуойи тиловатларини ҳисоблаш учун тасбеҳ тутади ва уни узлуксиз ўгириш билан сидқу садоқатини намойиш этмоқчи бўлади. Феруз наздида, Зоҳид тасбеҳидаги доналар гўё мурид овлаш учун тайёрланган тузоқнинг доналаридир. Чинакам ишқ шайдоси Феруз бу тузоққа ўлжа тушишдан бош тортади. Манинг тасбеҳим ва дуоларим маъшуқанинг холу зулфидан иборатдир, дея фахрланади. Бу ифтихорнинг тагида бир китоб тасаввуфий маъно бор.

## ЎЗИГА ХОС ТАФАККУР ТАРЗИ

Феруз ўзига хос тафаккур тарзига эга, қадим ҳаёт тилсимлари тўғрисида мустақил мушоҳада юритадиган адабий сиймодир. Ҳар бир шоир ижодиётида дунёнинг хулосасини акс эттира оладиган, дунёқарашига шиор бўла оладиган сатрлар топилади. Феруз назмидаги бундай умуминсоний умумлашмаларга мана бу байтларни мисол келтириш мумкин:

**Эй, кўнгул, эрмас мақоми амн ушбу даҳри дун**
**Ким етишмас роҳат ондин бир нафас озорича.**
**Жонга йўқ эрмишдур, Эй Феруз, бу олам аро**
**Лаззат ичра ҳеч неъмат дўстнинг дийдорича.**

Дарвоқе, шоир ҳаққоний эътироф этганидек, бу пасткаш дунё осойишта, роҳатфароғатда яшашга лойиқ макон эмас. Ундан чекиладиган азоб-уқубатларнинг бир лаҳзасичалиқ роҳат етмайди. Иккинчи байтда дўст дийдори дунёнинг энг улуғ неъмати сифатида талқин этилади. Бу оламда лаззатлар ичида дўстнинг дийдоричалик умрга, жонга ҳузур бахш этувчи неъмат топилмайди. Бу ёши, мартабаси, миллати, дини, макони, замонидан қатъи назар, барча инсонлар учун сабоқ бўларли умумлашмадир.

## «ШУХИ НОМУБОРАК» ҲАЖВИ

Ҳажвий-танқидий руҳдаги асарлар ҳам Феруз бадиий-маърифий оламининг назокатидан далолат беради. «Муборак» радифли ғазал анъанавий мавзу ва услубда бошланиб, танқидий-ҳажвий руҳда тугалланади:

**Олдинг ниқоб юздин, эй дилрабо, муборак,**
**Ҳуршиддек жаҳонга бердинг зиё, муборак.**

Бу бошланма байтдаги хайрихоҳ муборакбод ғазал сўнггигача изчил давом этмайди. Охирги байтларга бориб, ғазал анъанавийлик қобиғидан чиқиб, ҳажвий-танқидий руҳ кескинлашади. Чунки тасвирга асос сифатида олинган сиймо ихлосни қайтарадиган даражада одоб ва ҳаё доирасидан чиқиб кетади. «Муборак» радифи пичинг ва кесатиг маъноларида қўллана бошлайди.

**Чиқмай усулдинки раққослиқ қилиб фош,**
**Юз бўса бир дирамға қилдинг баҳо, муборак.**

Лирик қаҳрамон меҳр-муҳаббат билан қуйлаётган манзур ўз инсоний қадр-қимматини, ор-номусини ерга уради. Шўхликни ҳаддидан ошириб юборади:

**Феруз, кўнглинг этма қошу кўзига мафтун,**
**Эркан ҳаёсиз асру ул шўхи номуборак.**

Ташқи қиёфаси гўзал, аммо ҳаёсиз маъшуқани шоир «шўхи номуборак» дея рад этади. Ушбу ғазал шоҳ ва шоир Ферузнинг табъи нозик, талабчан инсон эканлигини тасдиқлайди.

## БАДИИЙ МАҲОРАТДАГИ КОМРОНЛИК

Феруз мавжуд адабий анъаналарни мукаммал ўзлаштирган, бадиий санъатга ташналигини устозлар маҳорат булоғидан қондирган ижодкор эди. Табиат ва жамият гўзалликлари, турки ва форсий назм, диний-тасаввуфий адабиёт Феруз истеъдоди озиқланган санъат дорилфунунлари эди. Феруз шеърларидаги бадиий тасвир етуклиги ва тимсоллар такомилини тасаввур этиш қийин.

**Пайваста қоши шаклидур ул чашми жоду устина,**
**Бир чарғким, ёзмиш қанот қасд айлаб оҳу устина.**

Бу — Ферузнинг санъаткорона яратилган байтларидандир. Байтдан мақсад — манзур қошу кўзининг мумтоз тасвирини яратиш. Шоир бу адабий муддаога тўла эришган. Биринчи мисрада қошу кўз тасвирининг дастлабки босқичи сифатлаш санъати воситасида юзага чиқарилган. Қошига нисбатан «пайваста», кўзга нисбатан «жоду» сифатларининг ишлатилишиёқ бадиий тасвирни вужудга келтирган. Бироқ бу ҳол муаллифни қаноатлантирмайди. У мукаммал ва ўзига хос бадиий тасвирга интилади. Пайваста қошнинг «чашми жоду» — ҳуркак кўз устида туришига табиатдан зиддиятли манзара излайди. Ферузнинг омадига бундай манзара табиатда ҳам, бадииятда ҳам мавжуд эди. Қошу кўзнинг жойлашуви ҳуркак оҳу устида қанот ёзиб ҳамлага шайланган «чарғ» — ов қушига яққол монанддир. Бизга яқин туркий ва форсийзабон шоирлар назмида ҳам шундай манзара тасвирини кузатишимиз мумкин. Масалан, Восифийда шундай байт бор:

**Ба чашму холу миёни ду абрўяш бингар,**
**Магар ки бар сари оҳуст чарғ дар таярон.**

Ферузнинг овдаги кузатишлари билан бадиий адабиётдаги кузатишлари мувофиқ ва маъқул келганидан, юқоридаги гўзал тасвирни маҳорат билан яратолган.

Ғазалларда оддий, лекин мафтункор тасвир лавҳалари кўп.

**Кун уётдин айлади ўзни шафақ ичра ниҳон,**
**Кўрди гулгун тўн аро оташин рухсорингиз.**

Ушбу байт замирида гўзал бир тасвир яширинган. Бир қарашда, гўё қўёш манзур жамоли олдида уятли бўлиб қолгани тасвирлангандек. Синчиклаб разм солинса, бу фикр бир баҳона, бадиий воситадек бўлиб, байт бағрида ҳайратомуз қиёсий манзара мужассам. Шоир гулбарг либосга бурканган, оташдек тафтли чеҳрали гўзални қип-қизил шафақ ичра бекинган офтобга муқояса этган. Шу тарика, офтобни уялтирган офтобжамол тасвири яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Феруз назми мазмун ва шакл хусусиятларининг мутаносиблиги, бадиий қурилма етуклиги билан дилбар шеъриятдир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари номзоди.**

**Боғдод туман маданият уйининг хушовоз хонандаси Тўлқинжон Ҳайдаров «Камолот-90» республика кўригги ғолибидир. У шу кунларда чорвадорлар, пахтакорлар ҳузурида бўлиб, концертлар бермоқда.**

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

# Болам, поезд йўлида ўйнама!

Пахтачи туманидаги 36-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шуҳрат Содиқовнинг қилмиши унинг ота-онасига қимматга тушди. Шуҳрат «Самарқанд—Москва» йўналишидаги поезднинг бир йўла учта ойнасини уриб синдирди. Унинг бебошлиги оқибатида ота-она анчагина жарима тўлашга мажбур бўлди...

Самарқанд вилояти ҳудудида йил бошидан буён 100 га яқин шунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар рўй берди. Кейинги пайтда темир йўл милицияси ходимлари ўтказган «Ойна», «Каникуль», «Комплекс» каби текширувлар яхши натижа билан якунланди.

— Безорилик билан кўп холларда темир йўлга яқин қишлоқларда яшамайдиган ўсмирлар шуғулланади, — дейди темир йўл милицияси Самарқанд бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Алишер Азимов,—масалан, Ғаллаорол туманидаги 52-мактаб ўқувчиси иккита разъезддаги светофорларни синдираётган пайтида ушланди.

Болаларнинг поезд ойнасига тош отиши туфайли йўловчилар майиб-мажруҳ, баъзан эса одамлар ҳаётига зомин бўлмоқда. Оқтош шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқувчилари Ю. Наврўз, К. Комил ва А. Зафар ана шу ҳудуддан ўтаётган 53-поезднинг 8 та ойнасини синдирган. 33-ўрта мактабнинг ўқувчиси Ю. Жасур ва 28-мактабдан К. Зулфиқор ҳам тенгдошларидан «ўрнак олиб», безорилик қилаётганида қўлга тушди. Ота-оналар, педагогик жамоалар болаларнинг темир йўлларда ўйнашига чек қўйишлари керак.

## «БОБОМДЕК БЎЛАМАН!»

Самарқандда «Улуғбек авлодлари» илмий-техника фестивали бўлди. Анжуманда республика вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон ва Қирғизистон Республикаларидан келган икки юздан зиёд ўқувчи қоинот, фазо техникаси мавзуида баҳслашди. Республика Халқ таълими вазирлиги, «Тараққиёт» илмий-техника уюшмаси ва иқтидорли ёшлар халқаро «Улуғбек жамғармаси» уюштирган танловда мезбонлар пухта билимга эга эканини намойиш этди.

## УЛУҒБЕК НИШОНИ

Самарқанддаги электромеханика заводи Мирзо Улуғбек юбилейи муносабати билан аллома тасвири туширилган кўкрак нишонлари ишлаб чиқаришга киришди. Корхона жамоаси тантанага 100 мингта шундай нишон ясаб беришга аҳд қилди.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

● ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

## УЧ ОҒАИНИ... ЎҒРИЛАР

Яккасарой тумани кўчаларидан бири бўйлаб бораётган вояга етмаган ёш ўспиринларнинг қўлидаги сумкалари тезкор ҳаракат гуруҳи ходимлари диққатини ўзига тортди. Улар янглишишмаган экан. Юклар синчиклаб текширилганда, «Панасоник» магнитофони ва шунга ўхшаш жами 49 миллион сўм-купонлик қимматбаҳо буюмлар чиқди. Юк «эгалари» ҳисобланган А. А. Аҳмадалиев, Д. А. Чернов, А. Б. Шашколар бу ўлжани Усмон Носир кўчаси, 61-уй, 51-хонадон соҳибаси Т. Н. Карданюк уйидан ўмариб кетаётганини тан олдилар.

**А. ДАВЛАТОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББга қарашли тезкор ҳаракат гуруҳи сардорининг ўринбосари, милиция майори.**


**Жамоа, давлат хўжаликлари раҳбарлари ҳамда деҳкон хўжаликлари диққатига !**

"Анапо" қўшма корхонаси Тошкентдаги омборидан КИ наслидаги (Австралия мериноси ва уларнинг дурагайи) зотдор-элита қўйларни, орлов наслли отларни ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик техник линияларни, чорва маҳсулотларини, ярим дағал жун, сабзавот- мевалар (5 хил навдаги олмалар) ни (жойнинг ўзида териб олинади) миллий валютамизда сотади.

Шунингдек, майин толали жун (товланувчи, узунлиги 8,5-15 см) эркин муомаладаги валютада сотилади.

**Тошкентга қуйидаги телефон орқали мурожаат этинг:**
*97-96-71, 97-64-88.* Факс: *97-64-63.*



"Ўзсаноатхўжаликқурилиш" корпорациясига қарашли 10-сон ҳиссадорлик автотранспорт корхонаси 1994 йил 11 август куни соат 15⁰⁰да таъсис конференцияси ўтказади.

Манзилгоҳ: Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 9-А уй.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ:

Хизмат юзасидан чет элга чиқиш учун паспортни расмийлаштириш масалалари ИИВнинг Мамлакатга кириш, чиқиш ва фуқаролик бош бошқармаси тасарруфига ўтказилгани муносабати билан Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармаси 1994 йил 15 июлдан бошлаб хизмат паспортларини расмийлаштириш учун қабул қилишни тўхтатади.

Ташқи ишлар вазирлигига асраш учун топширилган фуқаролик паспортлари (собиқ СССР) шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 15 дан 17 гача қайтариб берилади.

## ВЕЛОПОЙГА ЎТКАЗИЛДИ

**Тошкентнинг Янгибозор катта йўлида ўсмирлар ўртасида велоспорт бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.**

Мусобақанинг 25 ва 120 километрлик масофали гуруҳ пойгасида пойтахтлиқ Л. Петров яхши натижа кўрсатди. 1982 йилда туғилган пойгачилар ўртасида эса А. Қосимов 500 метрлик масофани биринчилардан бўлиб босиб ўтди. Шунингдек, у 2 километрлик якка пойгада бошқалардан ўзиб кетиб, учинчи ўринни эгаллади.

**Азиза ДАВЛАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бош божхона бошқармасининг раҳбарияти ҳамда жамоалари бош божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Сайдазим Ориповга волидаи муҳтарамаси

**Ўрмоной САИДАҲМЕДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, барча оила аъзоларига Оллоҳдан сабр тилайдилар.

Тошкент шаҳар божхона хизмати жамоаси божхона бош бошқармаси бошлиғи муовини С. Ориповга волидаи муҳтарамаси

**Ўрмоной ая САИДАҲМЕДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат алоқа назорати ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа назорати бошлиғи Жумагулов Байрамалига отаси

**Атамурод ЖУМАГУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тери-таносил касалликлари илмий-текшириш институти маслаҳат поликлиникаси шифокори, кекса тиббиёт ходими, республикада хизмат кўрсатган шифокор

**Ҳотам АБДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлигини билдириб, унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эскиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — Т. Долиев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г. — 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топширилди: 01.30.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6 Босишга топшириш вақти — 21.00.